2007 ЙИЛ, 19 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 246 (11.055)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
***ФАРМОНИ***

## ФАХРИЙ УНВОНЛАР УЧУН ТЎЛОВЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва санъатини, иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириш, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини юксалтиришга, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга катта ҳисса қўшиб келаётган шахсларни муносиб рағбатлантириш ва қўшимча равишда моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб давлатимизнинг фахрий унвонларига сазовор бўлган шахслар – “Халқ” ва “Хизмат кўрсатган арбоб” фахрий унвонлари эгалари учун бериб келинаётган тўловлар энг кам иш ҳақининг 2 баробари, “Хизмат кўрсатган” фахрий унвони соҳиблари учун эса энг кам иш ҳақининг 1 баробари миқдорида оширилиб, ҳар ойлик тўловларнинг миқдори иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, фахрий унвонлар эгаларига тўловлар ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобидан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда фахрий унвонлар эгаларига тўловларни тайинлаш ва амалга ошириш тартибини тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Мазкур фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2007 йил 17 декабрь*

# ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ, УНИНГ ФАРОВОН ҲАЁТИ ВА БАХТЛИ КЕЛАЖАГИНИ ТАЪМИНЛАШ — ЭНГ УСТУВОР ВАЗИФАМИЗДИР





## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

**ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ИСЛОМ КАРИМОВ 18 ДЕКАБРЬ КУНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ.**

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 2-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси раиси А.Аҳмедов очди. Йиғилганлар номзоднинг дастури билан таништирилди. Дастурда мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсийислоҳотларни изчил давом эттириш, демократияни мустаҳкамлаш, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фермерлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, сармоявий муҳитни янада яхшилаш, солиқ юкини камайтириш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни кенг жорий этиш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Тошкент шаҳри ўзининг юксак иқтисодий ва ижтимоий салоҳияти билан мамлакатимиз ҳаётида алоҳида ўрин тутади. Ислом Конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (АЙСЕСКО) томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди, деди Ислом Каримов.

Истиқлол йилларида Тошкент шаҳарсозлик маданияти юксак ривожланган, замонавий йўл ва кўприклари, бетакрор иншоотлари, сўлим боғ ва ҳиёбонлари билан ажралиб турувчи том маънодаги пойтахтга айланди. Тошкент нафақат фан ва маданият маркази, балки йирик саноат шаҳри ҳамдир. Мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган миллий маҳсулотнинг 30 фоизга яқини пойтахт ҳиссасига тўғри келади. Шаҳарда бир ярим мингга яқин қўшма корхона ва фирмалар фаолият юритмоқда.

Учрашувда сўзга чиққан “Нуроний” жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Муҳаммаджон Зуфаров, Юнусобод туманидаги 70-мактаб ўқитувчиси Дилфуза Ғаниева, Тошкент шаҳар бош имом хатиби Анвар қори Турсунов ва бошқалар юртимизда ижтимоий ва сиёсий барқарорликни таъминлаш, миллий урф-одатларимиз ҳамда буюк аждодларимиз меросини тиклаш, давлатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, энг муҳими, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган бетимсол ишлар Ислом Каримов номи билан бевосита боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидладилар. Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни бундан кейин ҳам изчил давом эттириш, иқтисодиётни ривожлантириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларни ҳар жиҳатдан комил инсонлар қилиб тарбиялаш каби устувор вазифаларни амалга оширишнинг ишончли кафолати эканини қайд этиб, сайловчиларни 23 декабрь куни бўладиган Президент сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

**В. ЛУҚМОНОВ,**
**ЎзА мухбири**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ САЙЛОВЧИЛАРИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДАГИ МАЪРУЗАСИ

Ассалому алайкум, қадрли юртдошлар!

Ҳурматли дўстлар!

Бугун сиз, Тошкент шаҳри сайловчилар вакиллари билан кўришиб хурсанд бўлганимни ва барчангизга, бутун пойтахтимиз аҳлига ўзимнинг самимий ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Ўйлайманки, ҳеч кимга сир эмас — бугунги сиз, азизлар билан учрашувимиз, аввало мамлакатимиз олдида турган муҳим сиёсий воқеа — 23 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови масаласига бағишланган.

Сайловга тайёргарлик, сайлов ўтказиш ҳақида гапирганда, шуни алоҳида таъкидлаш кераккки, ушбу сайлов жараёнлари Конституциямизга, шу билан бирга, халқаро андозалар ва ривожланган демократик давлатларнинг тажрибасига тўлиқ асосланган, халқаро майдонда эътироф этилган қонун асосида олиб борилмоқда.

Бу сайловнинг эътиборга лойиқ томони шундаки, мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, жумладан, Халқ демократик партияси, “Адолат” социал-демократик партияси ва Либерал-демократик партиясининг вакиллари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида кўрсатилган ва Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган. Шу билан бирга, партия аъзоси бўлмаган аҳоли номидан сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан кўрсатилган номзод ҳам сайловда қатнашаётгани сизларга яхши маълум.

Ҳаммамизга аёнки, ҳар қандай сайлов — бу ҳар қайси мамлакат ва жамият учун сиёсий синов. Бизнинг энг муҳим вазифамиз — бу сайловни, аввалambор, Конституциямиз ва умумэътироф этилган халқаро андозаларга асосланиб ўтказиш ва шу тариқа аҳолимизнинг, сайловчиларимизнинг бугунги сиёсий ва ҳуқуқий савияси ва маданияти юксалиб бораётганини намоён этиш, дунё ҳамжамиятида обрўйимизга обрў қўшишдир.

Сайловларни юқори даражада ўтказишимиз, биринчи галда биз кўзлаган, олдимизга мақсад қилиб қўйган вазифа, яъни, юртимизда эркин демократик давлат ва инсон ҳуқуқларини юксак қадрлайдиган фуқаролик жамияти қуриш йўлида катта мактаб ва катта қадамдир, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Айни шу мақсадларга эришиш учун биз аввало нималарга алоҳида эътибор беришимиз зарур?

Биринчидан, сайловнинг барча жараёнларида қонун устуворлиги ва эркинлик ҳукмронлигини таъминлашимиз, эски замондан, совет давридан қолган, ҳали-бери учраб турадиган баъзи бир тартиб ва қолиплардан бутунлай воз кечишимиз даркор.

Шу билан бирга, барча сайлов жараёнларида ҳар қандай давлат-маъмурий идоралари томонидан, умуман четдан туриб буларга таъсир кўрсатишга йўл қўймасликка алоҳида аҳамият беришимиз керак. Мухтасар айтганда, сайлов жараёнларини ўтказишда Марказий сайлов комиссиясининг кўрсатмаларига сўзсиз риоя қилиниши лозим.

Бир масалага алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Бўлғуси сайловга халқаро жамоатчилик томонидан қандай баҳо берилиши сайлов жараёнларида барча номзодларга тенг имконият яратиш, сиёсий партиялар ва жамоатчилик вакилларига, маҳаллий ва хорижий кузатувчиларга, оммавий ахборот воситаларига ўз ҳуқуқ ва бурчларини амалга ошириши учун қай даражада шароит туғдириб беришимизга боғлиқ эканини унутмаслигимиз керак.

Ҳурматли дўстлар!

Барчамиз яхши англаб олишимиз лозимки, бугун Президент сайлови ҳақида сўз борганда, гап асосан номзод, шахс ҳақида эмас, балки эртага сайловлар ўтгандан кейин Ўзбекистонда амалга ошириладиган сиёсат ҳақида бориши керак.

Мен бу ўринда нимани назарда тутяпман?

Ҳеч кимга сир эмас, ҳар қайси инсон бу сиёсат шахсан менинг ўзимга, оиламга қандай наф беради, юртим тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, Ватаним тараққиётини, халқим фаровонлигини янада юксалтириш учун қандай хизмат қилади, деган саволлар устида ўйлаши табиийдир.

Бу дунёда ҳар бир одам муносиб ҳаёт кечириш, болаларини тарбиялаш, уй-жойли қилиш, уларнинг бахти ва камолини кўриш орзуси билан яшайди. Баландпарвоз гапларни четга суриб айтганда, бу ҳар қайси оила, ҳар қайси инсон учун энг зарур, энг устувор масала эканини барчамиз яхши англаймиз.

Шу билан бирга, ҳар қайси инсон ва оиланинг бугунги ҳаёти ва эртанги орзу-интилишларининг амалга оширилиши юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни сақлаш Ватанимизнинг тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ эканини яхши тушунамиз.

Ишончим комилки, кўпни кўрган халқимиз айни шу эзгу мақсадларни кўзлаган ҳолда, юртимизнинг тинчлиги ва барқарорлиги, ҳаётимиз янада фаровон бўлиши учун ўз овозини беради.

Азиз ватандошлар!

Биз ўтган давр мобайнида олдимизда турган эзгу мақсад ва муддаоларимизга етиш йўлида қандай марраларга эришган бўлсак, буларнинг барчасини заҳматкаш халқимизнинг фидойилиги, мардона меҳнати билан қўлга киритганимизни яхши биламиз ва буни юксак қадрлаймиз.

Бугун биз эришган марра ва ютуқларимиз барчамизники. Буни ҳеч ким, ҳеч қачон қўлимиздан тортиб ололмайди, албатта.

Бизнинг асосий вазифамиз — эртанги кунимизни, Ватанимиз истиқболини яратиш йўлида чуқур ва атрофлича ўйланган, узоқни кўзлайдиган стратегия ва аниқ режалар устида ишлаш ва уларни амалга ошириш бўйича тегишли чораларни кўришдир.

Бу стратегиянинг энг муҳим, асосий йўналишлари менинг сайловолди дастуримда ўз ифодасини топган ва ўйлайманки, кўпчилигингиз бу дастур билан танишсиз. Рухсатингиз билан олдимизда турган ана шу устувор вазифаларни ўзимизга чуқурроқ тасаввур қилиш учун улар ҳақида яна бир бор қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Мақсадларимиз ҳақида гапирганда:

**Биринчидан.** Ўзини ҳаётимизда ҳар томонлама оқлаган кенг кўламли ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган сиёсатни давом эттириш ва кучайтириш асосий вазифамиздир.

Бу борада иқтисодиётдаги чуқур таркибий ўзгаришларни янги босқичга кўтариш, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, солиқ юкини камайтириш, юксак технологиялар билан қуролланган тармоқ ва ишлаб чиқариш корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун янада қулай шароитларни яратиш бундан кейин ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

**Иккинчидан.** Тараққиётимиз таянчи бўлмиш тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати ва хусусий бизнес тузилмаларининг, барча моддий ва интеллектуал мулк эгаларининг манфаатларини устун қўйиш, уларга тўлиқ имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, кенг қўллаб-қувватлаш устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Бу соҳада охирги йилларда қандай қулайлик ва имтиёзлар бераётганимиз ҳақида барчангиз хабардорсиз. Шу ишларнинг давоми тариқасида фақатгина битта мисолга эътиборингизни жалб этмоқчиман.

Фермерлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлардан олинадиган ягона солиқ ставкаси янги — 2008 йилда 10 фоиздан 8 фоизга туширилади. Бундай қарор, айни мана шу соҳа вакилларининг даромадини янада оширишга, ўйлайманки, имкон беради.

Мамлакатимизда иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга оширишда биз аҳолининг социал қатламлари ўртасида ҳаёт даражаси ва даромад кўрсаткичлари бўйича кескин табақаланишга йўл қўймасликка алоҳида эътибор қаратамиз.

Содда қилиб айтганда, Ўзбекистонда ўта бойлар ҳам, ўта камбағаллар ҳам бўлмаслиги керак, деган тамойил бундан буён ҳам изчил давом эттирилади. Лекин бу масалани ечишда биз фақат ва фақат иқтисодий воситаларга таянамиз.

Бугунги кунда дунёдаги Швеция ва Финляндия, Дания ва Швейцария, Германия ва Япония каби ривожланган давлатларда бу масала ўзининг мақбул ечимини топганини айтиб ўтиш жоиз, деб ўйлайман.

*(Давоми 2-бетда).*

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига муборак Қурбон ҳайити муносабати билан хорижий давлатлар раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда.**

**● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан суғурта қилиш муаммоларига бағишланган семинар ташкил этилди. Унда депутатлар, давлат бошқаруви органлари ходимлари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.**

**● Тошкентда «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядлорлик жамиятининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги барча филиалларидан почта ходимлари иштирокида «Энг яхши почта хизматчиси» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.**

**● Тошкентда педагогика олий таълим даргоҳлари ижодий жамоаларининг «Энг яхши фольклор жамоа» республика кўрик-танлови якунланди. Жиззах Давлат педагогика институти жамоаси танловнинг бош совринини қўлга киритди.**

**● Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театрида Тошкент Давлат Миллий рақс ва хореография олий мактаби талабаларининг ҳисобот концерти бўлиб ўтди.**

**●Навоийпахтасаноат ҳудудий акциядорлик бирлашмаси тизимидаги ишчилар бу йилги пахта ҳосилини қайта ишлашни жадаллаштирдилар. Улар ҳозиргача 7200 тонна олий навли толани Швейцария, Франция, Хитой, Россия каби хориж давлатларига экспортга чиқаришди.**

### ЖАҲОНДА

**● Франция пойтахти Парижда халқаро донорлар конференцияси бўлиб ўтди. 70 мамлакат ҳамда 20 та халқаро ташкилот вакиллари қатнашган халқаро конференцияда Фаластин мухториятига молиявий ёрдам кўрсатиш масаласи муҳокама қилинди. Дастлабки маълумотларга кўра кейинги уч йил давомида Фаластин ҳукуматига 5,5 миллиард доллар миқдорида молиявий кўмак берилади.**

**● Покистон ўз ҳудудида АҚШ ҳарбийларига террорчилик ҳаракатларига қарши операциялар ўтказишга йўл бермаслигини билдирди. Бу ҳақда Президент Парвез Мушарраф Washington Post газетаси ва Newsweck ҳафтаномасига берган интервьюларида таъкидлади.**

**● Польшада Висла дарёсининг Болтиқ денгизига қуйилиш жойида сув остидан ўтган нефть қувурининг тешилиши натижасида катта миқдордаги дизель ёнилғиси сув устига сизиб чиқди. Ҳозирда 20 километр юзаликдаги нефть доғини бартараф этиш саъй-ҳаракатлари кўрилмоқда.**

**● Подмосковье ўрмонларида ўсаётган энг кекса ва улкан дарахт — 109 ёшли, баландлиги 33 метрлик баҳайбат арча Янги йилнинг бош арчаси сифатида Москванинг Собор майдонига келтирилиб, ўрнатилди.**

**● Швейцариянинг Цюрих шаҳрида ўтказилган тантанали маросимда бразилиялик футболчи — Италиянинг «Милан» жамоасининг етакчи ўйинчиси Кака 2007 йилнинг жаҳондаги «Энг яхши футболчиси» дея эълон қилинди.**

# ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ, УНИНГ ФАРОВОН ҲАЁТИ ВА БАХТЛИ КЕЛАЖАГИНИ ТАЪМИНЛАШ — ЭНГ УСТУВОР ВАЗИФАМИЗДИР

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ САЙЛОВЧИЛАРИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДАГИ МАЪРУЗАСИ

*(Давоми. Боши 1- бетда).*

**Учинчидан.** Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига босқичма-босқич ўтиш жараёнини чуқурлаштириш давлат ва жамият қурилиши соҳасида асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Биз давлат ҳокимияти органларининг хўжалик субъектлари ишига аралашувини тубдан бартараф этиш, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш, биринчи навбатда коммунал хўжалик ва ободонлаштириш ишларини молиялаштириш, одамларни иш билан таъминлаш ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатларини босқичма-босқич маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллаларга ўтказиш мақсадида фаол иш олиб борамиз. Бошқача айтганда, қуйи поғонадаги бошқарув тизимининг ваколатини янада оширамиз.

**Тўртинчидан.** Ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришга доир ислоҳотларни изчил давом эттириш доимий эътибор марказимизда бўлади.

Жамиятимизда демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, жумладан, кўппартиявийлик тизими, фуқаролик институтлари ва нодавлат ташкилотлар фаолиятини, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кучайтириш, оммавий ахборот воситаларининг том маънода тўртинчи ҳокимият сифатида фаолият юритиши учун зарур бўлган барча ҳуқуқий ва ташкилий тадбирларни амалга ошириш — долзарб вазифамиздир.

**Бешинчидан.** Суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича бошлаган ишларимизнинг таъсири ва самарасини кучайтириш, энг асосийси, суд тизими мустақиллигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратамиз.

Бу борада ўлим жазосини бекор қилиш, қамоққа олишда санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида қабул қилинган қонунлар ижросини тўлиқ таъминлаш, бу йўналишда самарали тизимни шакллантиришга устувор аҳамият берилади.

**Олтинчидан.** Ташқи сиёсат соҳасида биз бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, улар билан тенг ҳуқуқли асосда шерикчилик қилиш, узоқ ва яқин қўшниларимиз билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва тотувликда яшаш тамойилига бундан буён ҳам қатъий амал қиламиз.

Юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, барқарорликни мустаҳкамлаш, турли миллатлар ва диний конфессиялар ўртасида ҳамжиҳатликни янада кучайтириш бизнинг устувор мақсадимиз бўлиб қолади.

Қуролли Кучларимиз қудратини ошириш, мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, шу мақсадда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, турар-жой ва маиший шароитларини янада яхшилаш, маошлари миқдорини кўпайтириб бориш ва ҳар томонлама рағбатлантириш бу соҳадаги ишларимизда етакчи ўрин эгаллайди.

**Еттинчидан.** Халқимизнинг реал даромадлари ва фаровонлигини ошириш, муҳим ижтимоий дастурларни жорий этиш бундан буён ҳам фаолиятимизнинг асосий йўналишини ташкил этади.

Бу соҳада қандай изчиллик билан иш олиб бораётганимиз ҳақида хабардорсиз. Жумладан, 2007 йилнинг ўзида, инфляция — яъни нарх ошиши даражаси 7 фоиздан ошмаган ҳолда, ўртача маош миқдори 56 фоизга ўсганини таъкидлаш лозим.

Агарки, маошларимиз кўпайишини шундай суръатлар билан давом эттирсак, ўйлайманки, 2008-2009 йилларда оладиган ойликларимиз миқдори насиб этса, камида яна 2 карра ошади.

Бугунги кунда энг долзарб вазифамиз бўлмиш янги иш ўринларини ташкил этиш, соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, кекса авлод вакилларини, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, муҳтож тоифаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтиришга қаратилган ижтимоий ҳимоя сиёсати янги босқичда давом эттирилади.

Халқимизнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш бўйича ажратилган маблағларнинг тобора ошиб бораётганининг тасдиғи сифатида қуйидаги мисолларни келтирмоқчиман.

Давлат бюджетимизнинг умумий харажатлар қисмида ижтимоий соҳага йўналтирилган улуши 2006 йилда 51,9 фоизни, 2007 йилда 53,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 54,6 фоиз даражасида бўлиши белгилаб қўйилган. Яъни, давлат бюджети харажатлар қисмининг тахминан 55 фоизи ана шу соҳага қаратилган. Бундай кўрсаткичларни бошқа давлатлар мисолида камдан-кам учратиш мумкин.

Бизнинг дастуримизда қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини юксалтириш масаласига алоҳида аҳамият берилган.

Ер унумдорлиги, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳисобидан соҳанинг рентабеллиги ва самарасини янада ошириш, қишлоққа саноатни, хизмат ва сервис шохобчаларини олиб кириш, замонавий қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш доимий эътиборимиз марказида бўлади.

**Саккизинчидан.** Таълим соҳасидаги миллий дастурларимиз ижросини тўла якунига етказиш, ёшларимизни бизга бегона бўлган зарарли оқимлардан асраб, замонавий билим ва тажрибага, ўз мустақил фикрига эга, маънавий юксак, комил инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг жамиятимизда мустаҳкам ва муносиб ўрин эгаллаши учун барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

**Тўққизинчидан.** Маданий ва маърифий соҳаларда амалга ошираётган ишларимизнинг таъсири ва самарасини кучайтириш бизнинг фаолиятимизда муҳим ўрин эгаллайди.

Бу борада юртимиздаги таълим даргоҳлари, илм-фан, маданият ва санъат масканларида хизмат қилаётган ўқитувчи ва домлалар, илмий ходимлар, ижодкор зиёлиларни, санъат ва маданият намояндаларини қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, уларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш учун шароит яратиб беришни биз ўзимизнинг устувор вазифамиз, деб биламиз.

**Ўнинчидан.** Ана шундай улуғвор мақсадларни амалга ошириш учун бел боғлаган эканмиз, албатта бирдамлик ва меҳр-оқибат, шижоат ва қатъият қалбимиздан, кундалик ҳаётимиздан чуқур жой олиши керак.

Мухтасар қилиб айтганда, бизнинг ўз олдимизга қўйган мақсадларимиз ғоят улкан ва масъулиятли бўлиб, уларнинг асосий маъно-мазмуни бугунги кунимиз ва эртанги ҳаётимизни янада яхшилаш, инсон манфаатини устун деб биладиган фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат.

Шу билан бирга, бу дастурда бутун мамлакатимиз, жумладан, пойтахтимиз Тошкент шаҳрига бевосита дахлдор бўлган долзарб вазифаларни амалга ошириш, энг асосийси, жойларда ҳали-бери ечилмасдан, одамларни қийнаб келаётган масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ ёндашувлар, истиқбол режаларимиз ҳам ўз ифодасини топган.

Қадрли дўстлар!

Ватанимизнинг муқаддас остонаси, давлатимизнинг бош шаҳри бўлмиш азим Тошкент билан бутун Ўзбекистон халқи, барчамиз ҳақли равишда доимо фахрланамиз.

Бу кўҳна замин ўзининг олис ва бой тарихи давомида ўз бошидан қанча-қанча синов ва машаққатларни ўтказмаган, не-не буюк воқеаларнинг гувоҳи бўлмаган.

Бу шаҳарнинг майин ҳавоси, гўзал табиати, қут-барака ёғиладиган фусункор боғлари, зилол ва шифобахш сувлари ҳақида қандай гўзал таърифлар битилмаган. Хусусан, тарихчи аллома Зайниддин Восифий Тошкентни улуғлаб, бу диёрни бир бор кўрган одам бамисоли жаннат боғларини кўргандек бўлади, деб ёзгани бежиз эмас, албатта.

Шу боис бу хосиятли заминдан номлари бутун ислом оламида машҳур бўлган Имом Қаффол Шоший ва Шайх Хованди Тоҳур, Шайх Зайниддин бобо, Иброҳим ота ва Қўйлиқ ота сингари азиз-авлиёлар, не-не улуғ зотлар етишиб чиққанида катта ҳикмат бор, десак, муболаға бўлмайди.

Айниқса, кейинги 130 йил давомида юртимиз ҳаётида қандай буюк ва ҳал қилувчи, шу билан бирга, қандай оғир ва изтиробли воқеалар юз берган бўлса, Тошкент доимо уларнинг марказида бўлиб келаётгани барчамизга яхши аён.

Мана шу заминда туғилиб камол топган Абдулла Авлоний ва Мунаввар қори, Абдулла Қодирий ва Ойбек, Ғафур Ғулом ва Зулфия, Миркарим Осим ва Саид Аҳмад, Обид Содиқов ва Собир Юнусов, Яҳё Ғуломов ва Юнус Ражабий, Шукур Бурҳонов ва Ботир Зокиров сингари ўнлаб илм-фан ва маданият намояндалари халқимизнинг ижтимоий тафаккури, маънавий оламини юксалтиришга қандай бебаҳо ҳисса қўшганини эл-юртимиз ҳамиша миннатдорлик билан эслайди.

Мустақиллик шарофати билан Тошкентнинг нафақат мамлакатимиз, балки дунё миқёсидаги ўрни ва нуфузи ҳам тобора ортиб бормоқда.

"Тошкент — Шарқ дарвозаси", "Тошкент — тинчлик ва дўстлик шаҳри" деган таърифлар қаторига бу йил "Тошкент — ислом маданияти пойтахти" деган юксак ном қўшилгани жаҳон ҳамжамиятининг Ватанимиз ва унинг пойтахтига чуқур ҳурмат-эҳтиромининг яна бир амалий ифодаси бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Тошкент шаҳри бугунги кунда ўзининг катта иқтисодий, интеллектуал ва маънавий салоҳияти билан мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида юксак ўрин тутиб келаётганини ҳаммамиз яхши биламиз.

Кейинги олти йил давомида пойтахтимизда ялпи ҳудудий маҳсулот қарийб 1,5 баробар, саноат маҳсулотлари ҳажми эса 2,4 баробар ўсгани, аҳолининг реал даромадлари, жон бошига ҳисоблаганда, 3,1 баробар ортгани ва бу мамлакатимиздаги энг юқори кўрсаткич эканини алоҳида таъкидлаш зарур.

Маълумки, Тошкент шаҳри республикамизнинг йирик саноат ҳудудларидан биридир. Бу ерда фаолият кўрсатаётган «Ўзкабель», «Тошкент трактор заводи», «Совпластитал», «Тошкент лак-бўёқ заводи», «Зенит электроникс», «Файз», «Ўзэлектроаппарат» каби ўнлаб йирик корхоналар ўзининг ишлаб чиқариш салоҳияти ва малакали кадрлари билан нафақат юртимизда, балки ундан ташқарида ҳам яхши маълум.

Сўнгги йилларда улар қаторига янги барпо этилган "Ўзбекистон темир йўллари" компаниясининг вагон таъмирлаш заводи, "Дойче кабель", "Электроизолит", «Фармгласс», «Медгласс», «Новофарм-плюс» сингари кўплаб корхоналар қўшилди.

Айниқса, йирик тўқимачилик маркази сифатида танилган Тошкент шаҳрида «Шайхонтоҳур-текстиль" ва «Ташкая-текстиль», "Байтекс" ва "Мурувваттекс", "Алким-текстиль" сингари 25 та янги корхона ташкил этилиб, уларда 8 мингга яқин ўғил-қизларимиз меҳнат қилаётгани эътиборга сазовор.

Кейинги олти йил давомида Тошкент шаҳри саноатига 1 миллиард 300 миллион доллар, жумладан, 538 миллион доллар миқдорида тўғридан-тўғри инвестиция жалб этилди.

Шуни айтиш керакки, Тошкент шаҳрининг экспорт салоҳияти ҳам изчил ўсиб бормоқда. Шу йилнинг ўзида шаҳардаги 3 мингга яқин корхона томонидан 2,6 миллиард доллар миқдоридаги маҳсулот экспорт қилиниб, ўтган йилга нисбатан 40 фоиз ўсишга эришилди.

Тошкент шаҳрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг тез суръатлар билан ривожланаётгани ҳам ўз самарасини бермоқда.

Унинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 10 фоиз ўрнига жорий йилда қарийб 52 фоизни ташкил этаётгани, энг муҳими, меҳнатга лаёқатли аҳолининг 68 фоизи айнан шу соҳада банд экани ҳам бу фикрни исботлайди.

Қадрли дўстлар!

Кейинги йилларда Тошкент шаҳрида амалга оширган улкан бунёдкорлик ишларимиз ҳақида, пойтахтимиз барчамизнинг кўз ўнгимизда қандай ўзгариб бораётгани ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин мен энг муҳим баъзи бир мисолларга эътиборингизни қаратмоқчиман, холос.

Узоққа бормасдан, авваламбор, Тошкентнинг тарихий маркази бўлган Эски шаҳар ҳудудида бажарилган катта ишларни кўз олдимизга келтирайлик.

Эски шаҳар бундан 10-15 йил илгари қай аҳволда бўлганини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши эслаймиз. Ёзда чанг-тупроқ, қишда балчиқ бўлиб ётадиган тор кўчалар, табиий газ, тоза ичимлик суви, канализация каби қулайликлардан маҳрум бўлган пастқам уйлар Тошкентнинг қоқ марказида мустабид тузум сиёсатининг асорати сифатида, айтиш мумкинки, шаҳримиз ҳуснига доғ бўлиб турар эди.

1991 йилга қадар шаҳар аҳолисининг, шунга эътибор беринг, 17 фоизи табиий газ, қарийб 18 фоизи эса тоза ичимлик суви билан таъминланмаган бўлиб, уларнинг асосий қисми мана шу Эски шаҳар ҳудудига тўғри келарди.

Шу сабабдан мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб бу мураккаб муаммони ечиш, одамларнинг оғирини енгил қилиш масаласини устувор вазифа сифатида кун тартибига қўйиб, қисқа даврда бу ерда амалга оширган ишларимиздан барчангиз, албатта хабардорсиз.

Аввало, Эски шаҳар ҳудудида янги газ ва сув тармоқлари барпо этилди, эскирганлари эса капитал таъмирланди. Бугунги кунга келиб шаҳар аҳолиси табиий газ билан 98 фоиз ва тоза ичимлик суви билан эса 100 фоиз таъминлангани ана шу саъй-ҳаракатларимиз натижаси, десак, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Бугунги кунда Эски шаҳар ҳудудида бунёд этилган ҳар томонлама обод кўчалар, шинам ва кўркам бинолар, мактаб ва поликлиникалар, маҳалла гузарлари, айниқса, Эски Жўва бозори, Абдулла Қодирий номидаги Маданият ва истироҳат боғи, Болалар ижодиёти маркази, Миллий либослар галереяси Эски шаҳарнинг қиёфасини таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборди.

Ёки шу йилнинг ўзида Ҳазрати Имом мажмуасида амалга оширилган бунёдкорлик ишларимиз алоҳида эътиборга сазовордир. Азалдан табаррук бир маскан бўлиб келган бу жойда бажарилган кенг кўламли янги қурилишлар ва ободончилик ишлари Ҳазрати Имомнинг ва хоки поклари шу заминда ётган азиз-авлиё зотларнинг, мен ишонаман, руҳларини шод этди.

Энг муҳими, бу ишларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган машҳур усталар, қўли гул ҳунармандлар, ишчи ва мутахассислар, моҳир боғбонлар сидқидилдан меҳнат қилди. Нафақат ён-атрофдаги маҳаллалар, балки бутун пойтахт аҳли бу эзгу ишга ўз ҳиссасини қўшди.

Ҳазрати Имом мажмуасининг обод қилиниши, ҳеч шубҳасиз, тарихий воқеа бўлиб, халқимизнинг муқаддас ислом динига садоқатини, мана шундай савобли ишларга бутун юраги ва қалби билан қарашини, бизнинг томирларимиз қандай чуқур ва бақувват эканини, эл-юртимизнинг азму шижоати, бунёдкорлик салоҳияти нақадар буюк эканини яна бир бор исбот этди.

Албатта, бу ҳақда гапирганда, Тошкентнинг юраги бўлмиш Мустақиллик майдонида амалга оширилган улкан ишларни алоҳида қайд этиш лозим.

Айниқса, муҳташам Сенат биноси, Эзгулик аркаси, Мустақиллик ва эзгулик монументи, Хотира хиёбони, Бизнес маркази ва Тасвирий санъат галереяси, маъмурий бинолар, янги боғ ва хиёбонлар, фаввора ва яшил ҳудудлар ҳақиқатан ҳам Тошкентни дунёнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айлантириш йўлида салмоқли қадам бўлди.

Шулар қаторида шаҳримизнинг қоқ марказида жойлашган Миллий боғимизни қайтадан тиклаганимиз ва бу гўзал маскан шаҳар ва унинг атрофидаги аҳолининг ҳақиқатан ҳам ором оладиган жойига айланганини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринли, деб биламан.

Азиз дўстлар!

Кейинги беш-олти йил давомида Тошкент шаҳрида амалга оширилган катта миқёсдаги қурилиш ва ободончилик ишларини — бу аввало кенг ва равон йўллар, замонавий кўприклар, янги маданият ва истироҳат боғлари бўладими, санъат масканлари, янги турар-жойлар бўладими, обод бозорлар, меҳмонхона ва маиший хизмат мажмуалари бўладими — буларнинг номларини санаб ўтишнинг ўзи жуда кўп вақтни олади.

Мен фақат одамлар учун энг зарур бўлган, уларнинг кундалик эҳтиёжларини бажаришга хизмат қиладиган шаҳар хўжалигининг соҳа ва тармоқларида юз бераётган ўзгаришлар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Шулар қаторида коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини олайлик.

Шаҳарда ҳозирги пайтда 9 мингдан ортиқ кўпқаватли уй мавжуд бўлиб, охирги беш йилда 1991 йилга қадар қурилган 5 мингга яқин кўпқаватли уй капитал таъмирланди, 2 миллион квадрат метр ички йўллар тартибга келтирилди.

Марказлашган иссиқлик таъминотидан йироқ бўлган кўпқаватли уйлар ва ижтимоий соҳа иншоотларини иссиқлик билан таъминлаш мақсадида кейинги икки йилда 80 та қозонхона қуриб битказилди. 270 километр узунликдаги эскирган иссиқлик қувури, 44 километр канализация тармоғи алмаштирилди.

Ёки транспорт-коммуникация масаласини оладиган бўлсак, ўтган давр мобайнида бу соҳада ҳам кўп ишлар қилинганини кўриш мумкин.

Тошкент метрополитенининг янги Юнусобод йўналиши қурилиб ишга туширилгани, қарийб 57 миллион доллар миқдоридаги инвестиция сарфланиб, пойтахтимиз дарвозаси бўлмиш Тошкент аэропорти капитал реконструкция қилингани шулар жумласидандир. Шулар қаторида Тошкент марказий темирйўл вокзали капитал таъмирланиб, бу ерда замонавий талаблар даражасида хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлар яратилди.

Барчангиз кўриб турибсиз, кейинги пайтда пойтахтимизда автомобиллар сони тобора кўпайиб бормоқда. Бу ўз навбатида шаҳримизда транспорт қатнови масаласини оқилона ҳал қилишни талаб этади.

Биз бу масаланинг ечимини олдиндан ўйлаб, 32 километр узунликдаги Кичик ҳалқа йўли, 8 та замонавий кўприк, шунингдек, Янги Сергели кўчаси ва Катта ҳалқа йўли бўйлаб уч томонга қараб кетадиган янги магистраль йўл ва бошқа коммуникация тармоқларини барпо этганимиз бу борадаги кўпгина муаммоларни ҳал қилиш имконини берди.

Биз учун устувор вазифа бўлган аҳоли соғлиғини сақлаш масаласида Тошкент шаҳрида ҳам эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда гапирганда, аввало, кейинги пайтда барпо этилган Республика шошилинч тиббий ёрдам марказида йилига 50 мингдан зиёд беморга юқори малакали хизмат кўрсатилаётганини қайд этиш лозим. Шунингдек, пойтахтимизда сўнгги йилларда ташкил этилган Кўз микрохирургияси, Урология, Кардиология ва Хирургия каби ихтисослашган тиббий марказлар халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Шу билан бирга, шаҳарда 10 та замонавий янги поликлиника ва соғломлаштириш маркази қурилиб фойдаланишга топширилгани, 23 та даволаш-соғломлаштириш муассасаси тўлиқ реконструкция қилингани, 83 та муассаса мукаммал таъмирлангани ва бошқа кўп-кўп мисоллар бу соҳадаги ишларимизнинг салмоғидан далолат беради.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида охирги ўн йилда Тошкент шаҳри бўйича аҳолининг касалликка чалиниш даражаси 22 фоизга, болалар ўлими кўрсаткичлари эса 1,4 баробар камайганини алоҳида қайд этиш лозим.

Азиз дўстлар, ёдингизда бўлса, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг дастлабки меваси бўлмиш биринчи академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари айнан пойтахтимизда барпо этилган эди. Ўтган давр мобайнида Тошкент шаҳрида республика бўйича энг кўп — 30 та академик лицей, шунингдек, 51 та касб-ҳунар коллежи қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ана шундай ижобий натижаларни Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури бўйича амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўтган тўрт йил давомида бу ерда 137 та мактабда белгиланган тартибда янги қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилгани, бу билим масканлари замонавий мебеллар, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникалари билан жиҳозлангани ҳам шундай хулоса чиқаришга асос беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Истиқлол йилларида пойтахтимизда 15 та янги, нуфузли олий ўқув юрти ташкил этилиб, бугунги кунда самарали фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирги пайтда Тошкент шаҳрида яна бир олий ўқув юрти — Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг филиалини очиш бўйича катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Албатта, бундай замонавий билим даргоҳларини ташкил этишда биз асосий эътиборни талабалар учун ҳар томонлама қулай шарт-шароитларни яратиб беришга қаратмоқдамиз. Бу борада кейинги йилларда пойтахтимиздаги Ёшлик талабалар шаҳарчасида амалга оширилган катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ва ободончилик ишлари барчамизга мамнуният етказади. Шулар қаторида Болалар спортини ривожлантириш дастурига биноан шаҳарда кейинги 4 йил ичида 39 та янги объект ишга туширилди. Бундан ташқари, "Универсал" ва "Ёшлик", "Юнусобод" ва "Жар", "Умид" сингари йирик спорт мажмуалари бунёд этилди.

Яратилган ана шундай имкониятлар туфайли пойтахтимиз ёшлари орасидан етишиб чиққан шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов, теннис бўйича Осиё чемпиони Ирода Тўлаганова, енгил атлетика бўйича жаҳон чемпиони Светлана Радъзевил, кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони Бахтиёр Аҳмедов, дзюдо бўйича жаҳон чемпиони Мария Шекерова каби йигит-қизларимизга бугун мамлакатимиздаги минглаб тенгдошлари ҳавас билан қарамоқда, мунтазам равишда спорт билан шуғулланиб, ўз соғлиғи ва иродасини мустаҳкамламоқда.

Ҳурматли юртдошлар!

Бугунги кунда ҳаётимиздаги улкан ўзгаришларда ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб намунаси, барчамизнинг ишончли қўрғонимиз бўлган маҳаллаларимизнинг муносиб ўрни ва ҳиссаси борлигини ҳаммамиз яхши англаймиз.

Ҳозирги вақтда Тошкент шаҳрида 474 та маҳалла фаолият кўрсатмоқда ва уларнинг ижтимоий ҳаётимиздаги таъсири тобора ортиб бормоқда.

Айниқса, тарихимиз давомида ўзини оқлаган урф-одат ва удумларни, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва келажак авлодларга безавол етказиш, уларнинг онгига сингдиришда, эл-юртимизни жипслаштиришда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти чиндан ҳам беқиёс.

Кейинги йилларда қабул қилинган қонунлар туфайли маҳалла бугунги кунда нафақат маънавий ҳаётимизни бойитиш, мазмунли қилиш, балки одамларнинг моддий турмушини яхшилаш, барчамиз яшайдиган турар-жойларни обод этиш, маҳалла муҳитида ижтимоий адолатни қарор топтириш борасида ҳам катта кучга айланмоқда.

Бу нафақа ва ёрдам пулларини тақсимлаш, муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш бўладими, тўй-маросим ва маъракаларни ўтказиш ёки ободончилик ишлари бўладими, ёшлар тарбияси, қўни-қўшни, оилалар ўртасида аҳилликни таъминлаш бўладими — бу ишларнинг рўйхати узун — уларнинг барчасини ҳозирги пайтда маҳалла иштирокисиз умуман тасаввур қилиб бўлмайди.

Дарҳақиқат, бундай саноғи йўқ ишларни маҳалла аҳли ўз кучи ва имкониятлари билан қамраб олиб, уларнинг негизига етиб бориб, бу масалаларни қалбидан, юрагидан ўтказиб, бутун куч-ғайратини уларни ҳал этишга бағишлаб келаётгани, энг муҳими, юртдошларимизнинг ишончини қозониб, уларни рози қилаётганига одам беихтиёр қойил қолади. Бундай ишларни адо этиш учун ҳақиқатан ҳам фидойи бўлиш, ўз эл-юртини севиш керак.

Бугунги кунда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш масаласи эътиборимиз марказида турган экан, бу мақсадни амалга ошириш учун, жумладан, маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, юртимиздаги энг демократик идора бўлмиш маҳалла институтини янада мустаҳкамлашимиз даркор.

Фурсатдан фойдаланиб, ана шундай масъулиятли вазифани ўзининг инсоний бурчи деб билиб, уни сидқидилдан бажариб келаётган, ҳақиқатан ҳам менинг суянчим ва таянчим бўлмиш маҳалла оқсоқоллари, маслаҳатчилари ва маҳалла посбонларига, барча фаолларига самимий миннатдорчилик изҳор этишни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Муҳтарам дўстлар!

Энди, рухсатингиз билан, Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболлари, пойтахт аҳлининг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришга қаратилган режа ва лойиҳаларимиз ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Аввало, муҳим ижтимоий вазифа — шаҳар аҳолисини ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш, янги барпо этилаётган маҳалла ва мавзеларда бу масалани ҳал этиш мақсадида 2008-2012 йилларда қўшимча равишда 42 километр сув қувурлари ётқизилади, ҳозирда фойдаланилаётган қарийб 40 километрлик қувурлар эса алмаштирилади.

Шунингдек, шаҳарга хизмат кўрсатадиган 3 та йирик оқава сув иншооти капитал реконструкция қилинади. Айни пайтда Ислом тараққиёт банкининг 20 миллион доллар маблағини Юнусобод ва Қорақамиш коллекторлари қурилишига йўналтирган ҳолда, ушбу ҳудудлардаги оқава сув тармоғи билан боғлиқ муаммолар ҳам ўз ечимини топади.

*(Давоми 3-бетда).*

# ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ, УНИНГ ФАРОВОН ҲАЁТИ ВА БАХТЛИ КЕЛАЖАГИНИ ТАЪМИНЛАШ — ЭНГ УСТУВОР ВАЗИФАМИЗДИР

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ САЙЛОВЧИЛАРИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДАГИ МАЪРУЗАСИ

*(Давоми. Боши 1-2-бетларда).*

Шуни айтиш керакки, пойтахтимизда яқин беш йилда 1 миллион 400 минг квадрат метр уй-жой қурилиши мўлжалланмоқда. Бунинг учун 270 миллиард сўм маблағ сарфлаш режалаштирилмоқда. Жумладан, ёш оилалар учун 22 та кўпқаватли уй қуриш мақсадида 31 миллиард сўм имтиёзли ипотека кредити ажратилади.

Ҳозирги пайтда Корея Республикасининг «Жисонг Корея индастрил» қўшма корхонасининг 500 миллион доллар сармояси ҳисобидан Шайхонтоҳур туманида ижтимоий-маиший ва маданий муассасаларни ўз ичига олган уй-жой комплексини қуриш ишлари бошланмоқда. Бундай лойиҳаларнинг Юнусобод, Чилонзор ва Мирзо Улуғбек туманларида ҳам амалга оширилиши мўлжалланмоқда.

Кейинги уч йил давомида 1 минг 300 та кўпқаватли уйни капитал таъмирлаш, маҳалла ва мавзелардаги ички йўлларни асфальт қилиш учун жами 30 миллиард сўм маблағ сарфланиши режалаштирилмоқда. Яна бир долзарб масала — бу шаҳар аҳолисининг электр энергияси таъминотини янада яхшилаш билан боғлиқ.

Бугунги кунда Келес, Навоий ва Сайилгоҳ подстанциялари қурилиши бошланди ва бу ишни 2009 йилда ниҳоясига етказамиз.

Шу мақсадда Хитой ҳукуматининг 36 миллион доллар маблағи, ўзимизнинг 70 миллион доллар миқдоридаги маблағимиз сарфланади. Натижада шаҳарнинг электр энергиясига бўлган, тобора ўсиб бораётган эҳтиёжи тўла ва узлуксиз таъминланади.

Шунингдек, Япония ҳукуматининг 220 миллион долларлик имтиёзли кредити ҳисобидан Тошкент Иссиқлик электр марказини модернизация қилиш, бу ерда буғ-газ қурилмасини қуриш ишларини 2008 йилдан бошлаб уч йил ичида ниҳоясига етказиш мўлжалланмоқда.

Яна бир муҳим йўналиш — транспорт ва коммуникация тармоқларини такомиллаштиришдан иборат. Яқин уч йил мобайнида шаҳарда қарийб 110 километр янги йўл тармоқлари қурилади, 25 километр йўл эса реконструкция қилинади.

Шаҳарнинг асосий кўчаларида транспорт қатновини енгиллаштириш мақсадида Юнусобод ва Мирзо Улуғбек туманлари ҳудудидан ўтадиган Салор ва Бўзсув каналлари узра иккита кўприк барпо этилади. Бу мақсадлар учун 127 миллиард сўм маблағ сарфланади.

Шаҳар транспортини ривожлантиришнинг бош режасига мувофиқ, Аҳмад Дониш кўчасидан бошлаб Мирзо Улуғбек кўчасига қадар янги йўл қуриш назарда тутилмоқда. Ушбу кўча шаҳарнинг марказий қисмини четлаб ўтиб, Юнусобод ва шаҳарнинг шимоли-шарқий қисмидаги туманларни ўзаро боғлайдиган магистраль йўлга айланади.

Йўл қурилиши соҳасидаги ишларни янги босқичга кўтариш мақсадида Ислом тараққиёт банкининг 12,7 миллион доллар маблағи ҳисобидан Тошкент асфальт заводи модернизация қилинади.

Шаҳар аҳолисига кўрсатилаётган транспорт хизмати сифатини янада яхшилаш учун Германия "Дойче банк"инининг кредити асосида 200 та "Мерседес-Бенц Конекто" автобуси, шаҳарнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан эса 200 та "Исузу" автобуси, 30 та трамвай сотиб олиш масаласи ижобий ҳал этилди ва улар яқин кунларда шаҳримиз аҳолисига хизмат кўрсата бошлайди.

Навбатдаги муҳим вазифалардан яна бири — шаҳарда бунёдкорлик ишларини давом эттиришдан иборат.

Шу ўринда сизларга бир хушхабарни етказмоқчиман. Шу йил октябрь ойида Париж шаҳрида бўлиб ўтган ЮНЕСКОнинг Бош конференцияси сессиясида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини халқаро миқёсда нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ҳозирги вақтда бу масала бўйича тегишли ҳукумат қарори тайёрланмоқда. Пойтахтимизнинг ана шу қутлуғ тўйини муносиб нишонлаш учун кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Хусусан, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг янги биноси, Болалар ижодиёти кўргазма маркази ва Тошкент Ислом университетининг янги ўқув корпусини барпо этиш биринчи галдаги вазифалардан ҳисобланади.

Шу билан бирга, "Пахтакор" марказий стадиони тўлиқ қайта реконструкция қилиниб, халқаро талабларга жавоб берадиган замонавий спорт комплексига айлантирилади.

Шаҳарни реконструкция қилиш ва қуриш бош режасига мувофиқ қарийб 1 минг 800 гектар майдонда яшил ландшафт ҳудудларини барпо этиш, бунинг учун 69 миллиард сўм маблағ сарфлаш мўлжалланмоқда.

Тошкент шаҳрида саноат корхоналарини ривожлантириш ва модернизация қилиш масаласига устувор аҳамият қаратилади.

Шу мақсадда кейинги икки йил ичида Сергели ва Яккасарой, Чилонзор ва Юнусобод, Мирзо Улуғбек туманларида 115 миллион доллар миқдоридаги 13 та йирик инвестиция лойиҳаси асосида енгил саноат корхоналари барпо этилади. Шу тариқа йилига 100 миллион доллар миқдоридаги экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилади ва 5 мингга яқин янги иш ўрни яратилади.

«Алгоритм», «Зенит» ва «Фотон» каби корхоналарга чет эл сармояларини жалб этган ҳолда, юқори технологияга асосланган замонавий ахборот-технология маҳсулотларини ишлаб чиқариш ташкил этилади.

Бугунги кунда ҳаётимизда тобора ҳал қилувчи аҳамият касб этаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада эркинлаштириш, уларнинг йирик корхоналар билан кооперациясини ташкил этиш, маҳаллий хомашё негизида маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш масаласи доимий эътиборимиз марказида бўлади. Бу мақсадлар учун жалб этиладиган инвестициялар миқдорининг салкам 1,5 баробарга ошиши кутилмоқда.

Энг муҳими, 2011 йилга қадар барча манбалар, жумладан, кичик бизнес учун янада қулай шарт-шароит яратиш, бозор ва ижтимоий инфратузилмаларни изчил ривожлантириш ҳисобидан 150 мингдан зиёд янги иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда.

Айниқса, уй меҳнати ва касаначиликни ривожлантириш асосида 9 мингдан ортиқ, 500 та йирик савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектини ишга тушириш орқали эса яна 43 минг иш жойи ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Ҳурматли юртдошлар!

Тошкент шаҳрида бугун амалга оширилаётган таълим дастурлари доирасида 2008-2009 йилларда 8 та касб-ҳунар коллежини янгитдан қуриш, 11 та касб-ҳунар коллежи ва 9 та лицейни реконструкция қилиш кўзда тутилмоқда.

Келгуси икки йилда 60 та мактабда белгиланган тартибда қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилади.

2010 йилга бориб пойтахтимизда қарийб 113 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган 88 та коллеж ва 40 та лицей ҳамда 341 минг ўқувчига мўлжалланган 333 та мактаб фаолият кўрсатади.

Ҳаммамизга маълумки, биз бу соҳада олдимизда турган вазифа ва марраларни янада кенгроқ ва баландроқ қўйишга аҳд қилдик. Яъни, соғлом ва баркамол, замонавий билим ва касб-ҳунарга эга бўлган авлодни тарбиялаш билан бирга, ёшларимизнинг ҳаётимизда ҳақиқатан ҳам етакчи ва ҳал қилувчи ўрин эгаллаши учун давлатимиз ва жамиятимиз томонидан барча шароит ва имкониятларни яратиб беришни мақсад қилиб қўйдик.

Янги 2008 йилни Ёшлар йили, деб эълон қилганимиз ҳам айни шу вазифаларни амалга оширишга қаратилган, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга албатта қўшиласиз.

Муҳтарам дўстлар!

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги келгуси режаларимиз ҳақида гапирганда, айтиш керакки, биргина 2008 йилда ихтисослаштирилган Нейрохирургия республика илмий маркази тубдан реконструкция қилинади, Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти негизида Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология маркази ташкил этилади.

Шунингдек, янги йилда Республика ихтисослаштирилган кардиохирургия маркази қурилади. Бу тиббиёт масканини Жанубий Корея Эксимбанки ва Қувайт жамғармасининг 20,5 миллион доллар маблағи ҳисобидан тиббий ва диагностика ускуналари билан жиҳозлаш белгиланган.

Бугунги кунда шаҳар соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг 2008-2012 йилларга мўлжалланган дастури ишлаб чиқилмоқда. Бу дастурга мувофиқ, Чилонзор, Шайхонтоҳур, Ҳамза, Юнусобод, Собир Раҳимов ва бошқа туманларда жойлашган шифохона ва поликлиникаларда катта ҳажмда қурилиш ва реконструкция ишларини бажариш, уларни тиббий ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш ишлари амалга оширилади. Бунинг учун 13 миллиард сўм бюджет маблағи сарфланиши кўзда тутилмоқда.

Азиз дўстлар!

Ўйлайманки, ҳеч кимга сир эмас — ҳар қайси халқ, ҳар қайси жамият авваламбор ўзининг юксак интеллектуал салоҳияти, маданияти ва маънавияти билан кучлидир.

Ҳаммамизга яхши маълумки, мамлакатимизда мавжуд бўлган ана шундай салоҳиятни ўзида мужассам этган ташкилот ва муассасалар авваламбор пойтахтимизда жойлашган.

Жумладан, бу ерда фаолият юритаётган Фанлар академияси ва унинг илмий-тадқиқот институтлари, 31 та олий ўқув юрти, кўплаб илмий марказлар юртимизнинг бугунги равнақига хизмат қилмоқда. Ҳар қайси миллат тараққиётининг кўзгуси бўлмиш бундай ноёб бойлик билан барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз.

Бинобарин, илму фан, олий ўқув даргоҳларида хизмат қилиб келаётган фидойи инсонларга замоннинг ўзи талаб қилаётган шароит ва имкониятларни туғдириб бериш ва уларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш ва рағбатлантириш масаласи бугун кун тартибимизда турибди.

Шуни очиқ айтиш керакки, илму фан, адабиёт, маданият ва санъат аҳли, таълим-тарбия, маънавиятимизни янада юксалтириш йўлида ўзининг меҳнати ва истеъдодини бағишлаган заҳматкаш инсонларни етарли даражада қўллаб-қувватлаш ва қадрлаш борасида биз улар олдида ҳали-бери қарздормиз.

Албатта, иқтисодиётимиз тобора мустаҳкамланиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, бу масалаларни босқичма-босқич ечиш учун янги имкониятлар пайдо бўлмоқда.

Шу мақсадда куни кеча мамлакатимиз иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятини, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келаётган юртдошларимизни муносиб рағбатлантириш ва қўшимча равишда моддий қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Фармонга имзо чекилди.

Бу Фармонга мувофиқ, илму фан, адабиёт, таълим-тарбия, маданият, санъат ва бошқа соҳа ва тармоқлар бўйича давлатимизнинг фахрий унвонларига сазовор бўлган шахсларга ана шу унвонлар учун тўланадиган қўшимча ҳақ миқдори тегишли равишда 2-3 мартага оширилади.

Албатта, бундай ёрдам нафақат моддий, аввало маънавий нуқтаи назардан муҳим аҳамиятга эга эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Азиз дўстлар, қадрдонларим!

Мустақиллик даврида, айниқса, мана шу охирги йиллар давомида мамлакатимиз ўз тараққиёт йўлида эришган юксак марралар, ҳақиқатан ҳам, ўзгаларни ҳайратда қолдириб, барчамизга катта ғурур ва ифтихор бағишламоқда.

Бугун юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бундай юксак марраларга етишда менинг ҳам меҳнатим, хизматим бор, деб бошини баланд кўтариб яшашга ҳақлидир. Ҳеч шубҳасиз, Ватанимизнинг катта суръатлар билан ўсиб бораётганида бутун халқимиз қатори Тошкент аҳли ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб, бу йўлда ўрнак бўлиб келаётганини барчамиз ҳурмат билан эътироф этамиз.

Тошкентни Тошкент қиладиган, пойтахтимизни пойтахт қиладиган, аввало шу мўътабар диёрнинг тупроғини кўзига тўтиё қилиб яшаётган, кўпни кўрган, ҳеч кимга бош эгмаган, ўзининг куч-қудратига ишонган, олижаноб, мард, бағрикенг ва меҳмондўст Тошкент аҳли олдида мен ҳурмат билан бош эгаман.

Мен Тошкентни, тошкентликларни чин қалбимдан яхши кўраман, севаман.

Сиз, азизларга, қадрдон пойтахт аҳлига, бутун Ўзбекистон халқига бундан буён ҳам сидқидилдан, садоқат билан хизмат қилишни ўзим учун шарафли бурч, деб биламан.

Сизларни, сизлар орқали бутун халқимизни муборак айём — Қурбон ҳайити билан самимий табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

*23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни*

## ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

**ШАҲАР ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИДА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИНИНГ АЙНИ ПАЙТДАГИ БОСҚИЧИГА ОИД МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.**

Хусусан, участка сайлов комиссияларининг изчил ва барқарор фаолият юритиши учун яратилган шарт-шароитларга яна бир бор эътибор қаратилиб, бу борадаги масалаларга масъул бўлганларнинг ахбороти тингланди. Жумладан, Шайхонтоҳур ва Учтепа туман ҳокимликлари мутасаддилари тегишли ҳудудларда ташкил этилган сайлов участкалари зарур жиҳоз ва анжомлар билан таъминланганлиги ва талаб меъёрларига тўлиқ жавоб бериши юзасидан ҳисобот бердилар.

Шубҳасиз, бу борада коммунал тармоқларининг созлиги ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Шуларни инобатга олган ҳолда комиссия мажлисида коммунал хизматлар таъминотига доир раҳбарларнинг масъулияти ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси бош директори Баҳодир Раҳмонов ҳамда «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Анвар Валиев участка сайлов комиссиялари жойлашган бинолар ва хоналардаги иситиш ва бошқа коммунал тармоқлари маромида ишлаётгани юзасидан ҳисобот бердилар. Мажлисда участка комиссиялари жойлашган манзилларда, шунингдек шаҳар миқёсида ҳам айниқса қиш мавсумида барча коммунал хизматлар узлуксизлиги таъминланишига эътибор қаратиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Мажлисда сиёсий партиялар ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан тақдим этилган рўйхатларга асосан кузатувчилар учун махсус гувоҳномалар берилгани тўғрисида маълумот берилди.

Мамлакатимизда кечаётган сайлов кампанияси республикамиздан ташқарида хизмат юзасидан сафарда бўлган фуқароларимизнинг ҳам диққат-эътиборидадир. Шундан келиб чиққан ҳолда Марказий сайлов комиссиясининг қарорига асосан хорижий давлатлардаги ваколатхоналар ҳузурида сайлов участкаларини тузиш ва комиссиялар таркибини тасдиқлаш ваколати шаҳар округ сайлов комиссиясига берилган. Мажлисда қайд этилганидек, бугунги кунда Ўзбекистоннинг кўплаб давлатлардаги ваколатхоналарида участка сайлов комиссиялари тузилган бўлиб, улар сайлов кампаниясига доир барча қонунчилик ҳужжатлари ва маълумотлар билан таъминланган.

Мажлисда шаҳар округи бўйича сайловчиларнинг мувофиқлаштирилган жорий сони тасдиқланди, шунингдек участка сайлов комиссиялари ўртасида кўрик-танловни ташкил этиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

**МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИГА АСОСАН РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ БАРЧА МИНТАҚАЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ ҲАМДА УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ АЪЗОЛАРИ УЧУН ҲУДУДИЙ ЎҚУВ СЕМИНАРЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Тошкент шаҳри қамровидаги 653 та участка сайлов комиссиялари раислари ва раис ўринбосарлари иштирокидаги икки кунлик минтақавий семинар 166-сайлов участкасида ўтказилди.

Олдиндан шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, мазкур тадбир, қатнашчилар таъбири билан айтганда, айни мавридида ва шундай лики, участка комиссиялари аъзолари ўз фаолиятини асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда жамоатчилик асосида амалга оширмоқда ва, семинарда таъкидланганидек, зиммаларидаги вазифаларга масъулият билан ёндошмоқдалар. Шубҳасиз, амалий машғулотлар ҳам уларнинг ишларида яхши кўмак ва мададдир.

## ҲАР ҚАНДАЙ МАШҒУЛОТ — ИШДА ЯХШИ КЎМАК

Минтақавий семинарни ўтказиш манзилини белгилашда айнан 166-сайлов участкаси танлангани бежиз эмас, албатта. Сайлов участкаси Темирйўлчилар маданият саройида жойлашган бўлиб, унинг мажлислар зали деярли минг кишига мўлжалланган. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг саъй-ҳаракати ўлароқ ушбу бино тубдан таъмирланиб, том маънода сарой номига эга бўлди. Мебель, бошқа жиҳозлар ҳам тўлалигича янгиланди. Анжуманлар зали меҳмонхона мажмуалари шароитларига мослаштирилди. Тўгарак ишлари ҳам фаоллашиб бормоқда. Участка сайлов комиссияси учун кенг, ёруғ, шароитлари бисёр икки бўлимдан иборат фойе ажратилди. Кираверишда сайлов кунига зарур бўлган жиҳозлар жамулжам бўлса, юқоридаги бўлимда фуқаролар сайловларга оид барча адабиётлар, номзодларнинг сайловолди дастурлари билан яқиндан танишиш имкониятига эгадирлар.

Ушбу сайлов участкасининг рисоладагидек жиҳозланиши инобатга олиниб, намунавий деб топилганини айтиш мумкин. Шундай бўлсада, участка комиссияларининг самарали ишида ҳар бир аъзонинг зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши асосий омил бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз. Сайловларга саноқли кунлар қолмоқда. Яна шуни ҳам эслатиб ўтамизки, участка комиссияларининг иш самарадорлигини ошириш мақсадида ташкил этилган кўрик-танлов натижалари маълум бўлди. Энг яхши участка сайлов комиссиялари ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

доирада – шаҳар миқёсида ташкил этилгани билан аҳамиятга моликдир. Ва албатта, ҳуқуқий билимларни янада мустаҳкамлашга ҳам асос бўлди.

Семинарнинг биринчи қисмида мутахассислар томонидан участка комиссияларининг вазифалари ва ваколатларига яна бир бор шарҳ бериб ўтилди. Ушбу масала бўйича алоҳида тўхталиб ўтган Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улуғбек Абдусаломов сайлов кампаниясининг айни пайтдаги босқичига эътиборни қаратди. Хусусан, ушбу муҳим босқич аввалги жараёнларда амалга оширилган вазифаларнинг ўзига хос сарҳисоби дея, бу борада фаолият натижалари бевосита участка сайлов комиссияларининг самарали ишига боғлиқ эканлигини қайд этди.

Албатта, участка комиссияларининг сайловга тайёргарлиги ҳақида гап борганда, улар учун яратилган шарт- шароитларнинг талабларга мувофиқлиги эътиборга олинади. Шундай бўлсада, таҳлилларга кўра, сайлов жараёнидаги муҳим бўғин деганда, авваламбор участка сайлов комиссиясининг бутун таркиби тегишли қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларнинг амалда ифодасини таъминлашда етарли кўникмаларга эга бўлиши, бу эса, ўз навбатида, барча, шу жумладан ташкилий масалаларда ҳам вақтида нуқта қўйилишига эришиш деб тушунилади.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш ўрин-

— Ва бу муболаға эмас. Ташкилотчилар тадбирнинг шакли ва мазмунини белгилашга профессионал даражада ёндошганликлари боис кутилган натижа — таъсирчанликка эришилди, — дея таъкидлаб ўтди 80-участка сайлов комиссияси раиси ўринбосари Бурхониддин Аҳмадалиев. — Сайлов кунидаги иш жараёнига бағишланган ўқув машғулоти пайтида комиссия аъзоларининг ҳар бири, кузатувчилар ва сайловчиларнинг ҳаракатлари қамраб олиниб, ҳаттоки улар томонидан йўл қўйилган баъзи хатоликлар кўрсатилганини диққат билан кузатиб, шунга амин бўлдимки, ҳар бир участкада иш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган саволлар яна бир бор таҳлил этиб чиқилса, фойдадан ҳоли бўлмайди...

— Сайловларнинг ҳамжиҳат, уюшқоқлик билан ўтишида участка сайлов комиссияларига катта ишонч билдирилмоқда, — дейди 260-участка сайлов комиссияси раиси Сабоҳат Шорасулова. — «Сайлов — бу демократия, демократия — бу сайлов» тушунчаларига кўп изоҳ берилмоқда. Дарҳақиқат, сайловларда ҳар бир фуқаро миллати, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар иштирок этиш ҳуқуқига эга. Сайлов жараёнларининг очиқ, ошкора, холисона кечиши демократик тамойилларнинг ёрқин ифодасидир. Сайлов куни асосий эътибор участка комиссияларига қаратилади. Бизнинг ҳаракатларимиз кузатувчилар диққатида жамланади. Демак, ўз ишимизни шундай ташкил этишимиз керакки, бирон-бирон хатоликка йўл қўйилмасин. Бунга эса фақат бирбиримизни тушуниб, қўллаб-қувватлаб, ҳаракатларимизни мувофиқлаштирган тарзда эришиш мумкин.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

**НОБУЁШИ КАЙ:**

## «ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁДА СТРАТЕГИК ВА ГЕОСИЁСИЙ ЖИҲАТДАН ЎТА МУҲИМ ЎРИН ЭГАЛЛАЙДИ»

**ЯПОНИЯ ПОЙТАХТИДА ЖОЙЛАШГАН «ТАКУШОКУ» УНИВЕРСИТЕТИДА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВЛАРИ ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР ТАЖАССУМИ СИФАТИДА» МАВЗУИДАГИ ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонаси кўмагида Марказий Осиё ва Кавказ тадқиқотлари бўйича марказ ҳамда «Такушоку» университети томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда «Кунчиқар юрт»нинг ижтимоий-сиёсий ва академик доиралари вакиллари, «Такушоку» университетининг профессор-ўқитувчилари жамоаси ҳамда талабалар иштирок этди.

Давра суҳбати иштирокчилари Ўзбекистонда амалга оширилаётган жамиятни янада демократлаштириш ва либераллаштириш, ижтимоий-сиёсий ва фуқаролик жамиятини қуриш борасидаги ислоҳотлар жараёнлари билан танишдилар. Тадбирда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигида ўз ифодасини топган конституциявий тамойиллар Инсон ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро пакт, 1990 йилги Копенгаген конференцияси материллари ҳамда 1994 йилда қабул қилинган Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари ҳақида парламентлараро кенгаш декларациялари талабларига тўла жавоб беради.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистонда мавжуд бўлган қонуний замин мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва сайловларни халқаро меъёрларга мувофиқ тарзда ўтказишга имкон бериши юзасидан якдил фикр билдирдилар.

Марказий Осиё ва Кавказ тадқиқотлари бўйича марказ раиси Т.Танака «Ўзбекистонда Президент сайловининг ўзига хос хусусияти рўйхатдан ўтган барча партиялар ҳамда фуқароларнинг ташаббускор гуруҳларидан давлатнинг энг юқори лавозимига номзодлар кўрсатилганидир», деб таъкидлади.

Т.Танаканинг фикрича, бу республика Конституциясига, шунингдек, мамлакат учун муҳим бўлган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонунларга асосланган ҳолда жамиятни янада демократлаштириш ва либерализациялашга қаратилган ислоҳотларнинг тўғридан-тўғри натижасидир. Ана шундай мустаҳкам ҳуқуқий асос Ўзбекистоннинг сайлов ҳуқуқига эга бўлган барча фуқароларига мамлакат келажагини кимга ишониш мумкинлигини мустақил ҳал қилиш имконини бермоқда.

«Такушоку» университети халқаро тадқиқотлар факультетининг профессори Нобуёши Кай «бой энергетика ва табиий заҳираларга эга минтақа ҳисобланадиган Марказий Осиёда Ўзбекистон стратегик ва геосиёсий жиҳатдан ўта муҳим ўрин эгаллаши»ни қайд этди.

Н.Кайнинг айтишича, демократия ва жамият қурилишининг тамойиллари универсал эмас. «Жаҳоннинг турли мамлакатларидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни кузатиб, биз демократия кўплаб шаклларга эга бўлиши мумкин ва у мамлакат тарихи, миллий маданияти ҳамда менталитетига асосланади, деган фикрга келдик», — дейди япониялик эксперт.

«Токио синема» кинокомпанияси президенти Казуо Окаданинг таъкидлашича, Ўзбекистондаги Президент сайловлари давлатни бошқариш ишида сиёсий партиялар ва фуқаролар бирлашмаларининг ўрни тобора кучайиб бораётганидан далолат беради.

К.Окада таъкидлаганидек, Ўзбекистондаги Президент сайловининг муҳим натижаси давлат ва жамият бошқаруви ишида сиёсий партиялар ўртасида ижобий ва конструктив рақобат кучайишидан иборат демократлаштиришнинг янги босқичи бошланишини ифодаловчи муҳим тарихий ҳодиса бўлиб хизмат қилади.

**«Жаҳон» АА**
**Токио**

# Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ҲИКМАТЛАР

**Бир донишманд фарзандларига шундай панду насиҳат қиларди: “Азиз ўғлонларим, ҳунар ўрганинглар, зероки, моли дунёга эътимод йўқ ва олтин-кумуш сафарда хатарлидир. Қароқчи ўғирлаб кетади ёки эгаси еб-ичиб тамомлайди. Аммо ҳунар қайнар булоқ, туганмас давлатдир, агар ҳунарманд молидан маҳрум бўлса, қайғуси йўқдир, чунки ҳунарнинг ўзи давлатдир. Ҳунарманд қаерга борса, қадрланади ва уйнинг тўридан жой олади. Ҳунарсиз одам эса, ҳамиша машаққат чекади, тиланчилик қилади”.**

* * *

**Даромад – оқар сув, маишат эса тегирмондир, яъни катта харжлаш доимий даромади бор одамга ярашади.**

* * *

**Қўли очиқ одам овозаси авом халқ тилида достон бўлади.**

* * *

**Ҳар бир душманга эҳсон қилсанг, у сенга дўст бўлади, илло, нафс деган нарсага қанча илтифот қилсанг, адоватини шунча ошираверади”.**

* * *

**Умр мол-мулк тўплаш учун эмас, балки мол-мулк осуда ҳаёт кечириш учундир!**

* * *

**Бир оқилдан сўрадиларки: “Ким бахтиёру ким бахтсиз?” Оқил деди: “Бахтиёр – еб-ичади, экади, бахтсиз – йиғиб-йиғиб ўлиб кетади”.**

* * *

**Икки тоифа одам беҳуда ишлаб, беҳуда ҳаракат қилган бўлади: бири мол-мулк йиғиб, фойдаланмаган ва иккинчиси эса, илм олиб, унга амал қилмаган одам.**

* * *

**Илмига амал қилмаган олим машъала кўтарган кўрга ўхшайди!**

* * *

**Уч нарса уч нарсасиз собит ва пойдор бўлмайди: “Мол – савдосиз, илм – баҳссиз ва давлат – сиёсатсиз”.**

* * *

**Ёмонларга шафқат қилиш – яхшиларга зулмдир, золимлар зулмини афв этиш – фақир-фуқарони эзишдир.**

* * *

**Ҳар бир сирингни дўстингга айтаверма. Ажаб эмаски, бир вақт келиб сенга душман бўлиб қолар, душманингга ҳар қандай ёмонликни раво кўраверма, ажабмас бир кун сен билан дўстлашса. Яширмоқчи бўлган сирингни энг яқин дўстингга ҳам айтма, чунки ҳар бир дўстингнинг дўсти ва дўстининг ҳам дўсти бордир.**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**


# АЗИЗ ЮРТДОШЛАР ВА ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР

Барчангизни қутлуғ айём—Қурбон ҳайити байрами билан чин дилдан қутлаймиз.

Дилингиздаги эзгу ниятларингиз ижобат бўлиб, хонадонингиздан қут-барака аримасин. Корхонамизда тайёрланаётган замонавий ва сифатли мебель маҳсулотлари талаб ва эҳтиёжингизни қондира олса, биз бундан бениҳоя бахтиёрмиз.





«ЭЪТИҚОД»

хусусий корхонаси жамоаси

Маҳсулотлар сертификатланган


## ШУКРОНАЛИК АЙЁМИ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Ассалому алайкум азиз юртдошлар, ҳамшаҳарлар, Аллоҳ таоло барчамизга Қурбон ҳайитини муборак қилсин.

Аллоҳ таологa чексиз ҳамду санолар бўлсинки, бу йилги Қурбон ҳайити гўзал Ватанимизга, алалхусус, пойтахтимиз Тошкентга ўзгача шукуҳ ва файзу баракот бағишлаган ҳолда кириб келди. Муҳтарам Юртбошимиз Қурбон ҳайитини хайру саховат, меҳр-оқибат билан ўтказиш тўғрисида алоҳида Қарор қабул қилдилар. Яратган парвардигоримизга шукроналар айтамизки, ҳайит байрамини бемалол, эмин-эркин, тантана билан нишонлаш саодатига мушарраф бўлдик. Бу неъматнинг барча-барчаси шубҳасиз буюк Истиқлол туфайлидир. 16 йиллик қисқа муддат ичида биз маънавий қадриятларимизни, хусусан, диний эътиқодимизни соф англаш бахтига мушарраф бўлдик. Ибодатларимизни, урф-одатларимизни тантана билан ўтказиш неъмати бизга ато этилди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) «Сизларга етаётган яхшиликларни эътироф этингиз, яхшилик қилувчиларнинг савобли амалларига шукроналар изҳор этингиз, хақларига шукр қилувчи бандалардан бўлингизлар», деган марҳаматлари бор. Шу нуқтаи назардан муҳтарам Президентимизнинг маънавият борасидаги гўзал ташаббуслари моддий ва маънавий бойликларимиз билан ўзаро мутаносиб бўлмоқда. Халқимиз Ватаннинг қадри, ўзлигини англаб етмоқда, алҳамдулиллоҳ.

Айниқса, ёшларимиз Ўзбекистон деган буюк Ватаннинг эҳтиромини англаб етмоқдалар ва содиқ ватанпарвар, келажагимиз учун салоҳиятли фарзандлар бўлиб етишмоқдалар. Буни кўриб кўзимиз қувонади, албатта ва бундай ишларга бош-қош бўлаётганларга ташаккурларимизни изҳор этамиз.

Маълумки, бундай улуғ кунда барча мусулмонлар бир-бирларини байрам билан қутлаб, табаррук кексаларимизга иймон, ёшларга узоқ умр, тавфиқу рушди ҳидоят тилашади. Қариндош-уруғлар, ёру-биродарларни зиёрат қиладилар, яқинлари ва беморларнинг ҳолидан хабар оладилар. Бундай хайрли ишлар азалий қадриятларимиздандир. Бирор сабабга кўра аразлашган, гина-кудуратли таниш-билишлар ҳам ҳайит кунларида ўзаро узр сўрашиб бир-бирларига қучоқ очадилар.

Қурбон ҳайитининг файзу барокати қалбларимизни ва хонадонларимизни мунаввар айласин. Бу улуғ байрам кунида барча иймон-эътиқодли мусулмон биродарларимизнинг қалблари равшан, диллари хушнуд, нигоҳлари муқаддас Каъбага қаратилган бўлиб, улар Аллоҳ таолонинг фазлу карамидан умидвордирлар.

Аллоҳ таоло юртимизга осойишталик, халқимизга файзу баракот ато этсин! Қурбон ҳайитингиз қутлуғ бўлсин азизлар!

**Анвар қори ТУРСУНОВ,**
**Тошкент шаҳар бош имом-хатиби**

## ЎЗБЕКИСТОН ФИЛЬМЛАРИ МАЛАЙЗИЯДАГИ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛДА

**МАЛАЙЗИЯДА КУАЛА-ЛУМПУР — 2?007 ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ ЎЗ НИҲОЯСИГА ЕТДИ. ТАШКИЛОТЧИЛАРНИНГ ФИКРИГА КЎРА, МАЗКУР АНЖУМАННИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИ, ЖУМЛАДАН ОСИЁ МИНТАҚАСИ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ КИНО САНОАТИ СИФАТИ ВА ЎСИШИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ, ШУНИНГДЕК, «МАДАНИЙ ХИЛМА-ХИЛЛИК ТАНТАНАСИ» ШИОРИ ОСТИДА ТУРЛИ ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА ЎЗАРО ТУШУНИШ ВА ДЎСТЛИК ҲИСЛАРИНИ ЮКСАЛТИРИШ БЎЙИЧА АНИҚ ВАЗИФАЛАР ЕЧИМИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН.**

Кинофестиваль совриндорлари бўлиш учун Осиё, Африка, Европа, Шимолий ва Жанубий Америка қитъасида жойлашган мамлакатлардан келган ўнлаб фильмлар иштирок этди.

Анжуман ишида юртимизни «Ўзбеккино» миллий агентлиги делегацияси намоён этди. Улар томонидан халқаро ҳакамлар ҳайъатига ўзбекистонлик кино усталар томонидан суратга олинган икки миллий кино асаримиз — режиссёрлар Ёлқин Тўйчиевнинг «Чашма» ва Зулфиқор Мусоқовнинг «Ватан» бадиий фильмлари намойиш этилди. Ҳар икки фильм ҳам ўзининг чуқур фалсафий ва бадиий аҳамияти, шунингдек, тасвирлар орқали ўзбек халқининг яқин ўтмишдаги тарихи ҳамда турмуш тарзини моҳирона очиб бергани билан мухлислар ва кино мутахассислари томонидан алоҳида эътироф этилди.

Кинофестивалнинг олий мукофотига канадалик режиссёр Роберт Фаврoнинг «Кигалида якшанба куни» фильми муносиб деб топилди.

Тадбир доирасида кино саноати учун жиҳозлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган олтмишдан ортиқ хорижий компаниялар тўпланган «Ижодий мультимедия — 2007» кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

**«Жаҳон» АА,**
**Куала-Лумпур**

## СУРАТЛАРДА ДИЁРИМИЗ МАНЗАРАЛАРИ

**ПОЙТАХТДАГИ ТАСВИРИЙ САНЪАТ ГАЛЕРЕЯСИДА РАССОМ РАҲМОН ШОДИЕВНИНГ ЭЛЛИК БЕШ ЁШГА ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИЖОДИГА БАҒИШЛАНГАН КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ.**

Ўзбекистон Бадиий Академияси, Бадиий кўргазмалар дирекцияси ва Тасвирий санъат галереяси ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмада юртимиз рассомлари, санъатшунослар, журналистлар, ижодкорнинг мухлислари иштирок этди.

Раҳмон Шодиевнинг болалигидан санъатга бўлган қизиқиши улғайгач уни рассом бўлишига сабаб бўлди. Мактабда ўқиб юрган кезлариданоқ юртимиз гўзаллигини, табиатини асарларида акс эттирди. Ёш ижодкорнинг ишлари дўстлари, ота-онаси, устозларини бефарқ қолдирмади. Болалигиданоқ рассомчилик санъатида ноёб истеъдодга эга бўлган Раҳмон Шодиев мактабни тугатгач Тошкент театр ва рассомлик институти (ҳозирги Тошкент давлат санъат институти)да академик Раҳим Аҳмедов устахонасида таҳсил олиб, профессионал ижодкор сифатида шаклланди. Бугунга келиб ижодкор кўплаб ютуқларни қўлга киритди. Жумладан, у Ўзбекистон рассомлар уюшмаси аъзоси, кўплаб республика ва халқаро кўргазмаларнинг фаол иштирокчиси. Асарлари Ўзбекистон, Россия, Германия, Ҳиндистон музейлари ҳамда бошқа қатор давлатларнинг хусусий коллекцияларида сақланмоқда.

Кўргазмада намойишга қўйилган асарлар билан танишар эканмиз, рассомнинг ижоди рангларга бойлиги билан кўзга ташланиб туриши кузатилади. Р. Аҳмедов ўз асарларида гўзалликни ҳис қилиши, оламнинг рангоранг бойлигини тўлақонли етказа олиши томошабинни ҳайратга солади.

Бир ой давом этадиган кўргазма экспозициясидан юздан ортиқ рангтасвир асарлар томошабин эътиборига ҳавола этилмоқда.

**Рустам ҲАЙДАРОВ,**
**“Туркистон-пресс”**


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Суд Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Мирзо Улуғбек туман суд ижрочилар бўлими суд ижрочиси Усмонов Нодирбек Нохиджанович номига берилган Г 116-сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Гульотика, листларни букувчи мослама, фрезерлик ва токарлик дастгоҳларини сотиб оламан. Бузуқ ва айрим деталлари бўлмаса ҳам мумкин.
**Телефон: 305-03-54**

**Чилонзор туманидаги «G`ANI OTA VA O`G`LI» хусусий фирмаси ўз мулкчилик шаклини «G`ANI OTA VA O`G`LI» масъулияти чекланган жамияти шаклига ўзгартиришини маълум қилади.**
**Эътирозлар 1 ой давомида 279-84-01 телефони орқали қабул қилинади.**

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»
РЕСПУБЛИКА
БИРЛАШМАСИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЦИРКИ

**2007 ЙИЛ 28 ДЕКАБРДАН 2008 ЙИЛ 13 ЯНВАРГАЧА**

***Мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунларида Тошкент давлат цирки барчангизни***
***«ЗОЛУШКА»***
***цирк спектаклига таклиф қилади.***
***Сеҳрли эртакнинг қизиқ воқеалари – сизга мунтазир!***
***Томошалар соат 10.00, 12.00, 14.00 ва 16.00 да бошланади.***
***Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилмоқда.***
***Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди.***
**Маълумотлар учун телефонлар:**
**144-35-91, 144-35-94, 144-32-23.**


Газетанинг навбатдаги сони 21 декабрда чиқади.


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР — ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

***«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ нархлари ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади:***

1.Тошкент шаҳар, Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Юнусобод тумани судининг 2007 йил 26 мартдаги 1-240/7-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган, «Газ-24» русумли, д/р 11Т6057 бўлган, 1982 й. и/ч, техник носоз автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 700 000 сўм.**

2.Тошкент шаҳар, Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Ҳамза тумани судининг 2007 йил 16 сентябрдаги 1-621-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ жарима майдонида сақланаётган, «Зил-130» русумли, д/р 10 W1275 бўлган, 1969 й. и/ч. техник носоз автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 3 000 000 сўм.**

3.Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 5 майдаги 10-070/2547-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, С.Толипов кўчаси, 3-уй манзилидаги «Тошшаҳарнур»да сақланаётган;

— «Маз-5551» русумли, д/р 10АХ705 бўлган, 1996 й. и/ч автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 15 369 480 сўм.**

—«Маз-5551» русумли, д/р 10АХ712 бўлган, 1996 й. и/ч автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 15 369 480 сўм.**

— «Маз-5551» русумли, д/р 10АХ708 бўлган, 1996 й. и/ч автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 15 369 480 сўм.**

Аукцион савдоси 2008 йил 22 январь куни соат 11:00 да РКМБ биносида бўлиб ўтади.

Автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир объект учун алоҳида тўлаш тартиби билан, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов филиалидаги МФО: 00901, ИНН: 200933850, 20210000500571452105 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. тел.228-79-52. Интернет сайтимиз: www.rkmb.uz.

Гувоҳнома DB 001 №000004

Банкрот-корхона ОТАЖ «**А.Иброҳимов номли Тошкент чинни заводи»**ни тугатиш иши юзасидан Маълумот.

ОТАЖ «А.Иброҳимов номли Тошкент чинни заводи»нинг кредитор ва акциядорларига тегишли суммаларни (тугатиш жараёнида ўз вақтида олинмаган) олиш учун Тошкент шаҳар 1-сонли Яккасарой туман Давлат нотариусига (манзил: Тошкент шаҳри, М.Таробий кўчаси, 8-уй) мурожаат қилиб, ДАТ «Халқ банки»нинг Яккасарой филиалида (манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Ш.Абдуллаев кўчаси, 2-«а») очилган депозит ҳисоб варақаси орқали берилади.

Маълумотнома ва архивга боғлиқ маълумотлар 100207, Тошкент шаҳри, Ғалабанинг 40-йиллиги мавзеси, 2-даҳа, 29-уйда жойлашган Тошкент шаҳар Давлат Архиви томонидан берилади.

Заводнинг собиқ ходимлари учун Шахсий жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари ДАТ «Халқ банки»нинг Собир Раҳимов филиали томонидан берилмоқда.


Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси бошқарма Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими катта маслаҳатчиси Адҳам Муродович Турдиевнинг отаси

**Мурод ТУРДИЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши Кенгаш аъзоси, шаҳар жисмоний тарбия-спорт жамияти тасарруфидаги бокс мактаби директори

**Мурод Солиевич ТУРДИЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.




МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 1107

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

**Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

***Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.***

**Нашр кўрсаткичи — 563**

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2049 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

1 2 3 4 5

Топширилган вақти: 22.20